

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 28 (14,131) 13 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА 2023 йил

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



@Toshkent_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi_24



АНОНС



“ҚЎЙЛИҚ” ДЕҲҚОН
БОЗОРИ БУЗИЛАДИ...МИ?



ГЕРМАНИЯ ОРЗУСИ



ПОЙТАХТИМИЗ
ТЕАТРЛАРИДА
МАВСУМ ЯКУНЛАНДИ

САЙЛОВДАН СЎНГ...

2023 йил 9 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқаро ва миллий мезонлар, янгиланган Конституция нормалари асосида кўтаринки руҳда ўтди. Сиёсий жараёнда мамлакатимиз фуқаролари фаол иштирок этдилар. Бу каби эътирофлар мамлакатимизга халқаро кузатувчи сифатида келган ташкилотлар вакиллари экспертлари томонидан ҳам таъкидланмоқда.



Дмитрий ВИДРИН,
халқаро кузатувчи:

– Учинчи бор Ўзбекистондаги сайловларда иштирок этганим мен учун катта фахр. Мен ташриф буюрган барча сайлов участкалари тартибли, халқаро стандартлар ва нормалар асосида ташкил этилган. Кўп йиллар давомида сайловларда қоидабузарликларни аниқлаш билан шуғулланиб келганман. Парламент депутати, партия раҳбари, политолог сифатида бошқа партияларнинг камчиликларини топишга ҳаракат қилганман. Мамлакатингизда эса бирорта қоидабузарликни қайд этмадим. Демократия – бу жараёндир. Ўзбекистонда мазкур йўналишда катта ютуқларни эътироф

этноқчиман. Авваллари Ўзбекистондаги бизнес Швейцария ва Германияга кўчган бўлса, ҳозир бунинг аксини, яъни чет эллик компаниялар Ўзбекистонга кўчиб ўтаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бу бошланиши, холос. Тез орада Германия ва Швейцария томонидан Ўзбекистон демократия намунаси сифатида ҳам тан олинади. Ўзбекистон шоирларининг асарларини севиб ўқийман. Уларда муҳаббатни ҳис қилган одам инсон деб аталиши мумкин, деган ғоя акс этади. Ўзбекистон муҳаббат мамлакати. Бу ерда каттаю кичикнинг бир-бирига меҳри турли миллат ва дин вакилларига ҳурмат ҳамда эҳтиром юксак эътирофга лойиқ. Кўплаб сиёсий прогнозларнинг муаллифиман. Ўзбекистоннинг буюк келажагига шубҳам йўқ. Чунки, мамлакатингизда демократик жараёнларга катта аҳамият берилаяпти.



Халук ИПЕК,
халқаро кузатувчи (Туркия):

– Биз ҳар доим ота юртимизга севишиб ва интилиб келамиз. Бизнинг вакилларимиз хулосаларига кўра сайлов низоҳатда адолатли ва ишончли ўтди, деб ҳисоблаймиз. Натижалар бемалол Марказий сайлов комиссияси берган маълумотига мос келиши табиий. Сайловлар очиқ, ошқора ва шаффоф бўлди, дея бемалол

айта оламан. Ўзбекистон жуда кўплаб халқаро тадбирларни юқори савияда ташкиллаштириб келмоқда. Сайловда ғолиб бўлган мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёевга муваффақиятлар тилаймиз. Ўзбек халқининг бу танлови мамлакатнинг келажақдаги тараққиёти учун асос бўлади, деб ишонч билан айта оламан.



Рихард КОЛС,
Латвия Парламенти кўмитаси раиси,
халқаро кузатувчи:

– Бизнинг делегациямиз Болтиқбўйи давлатларидан келган. Хусусан, Эстония ва Латвия мамлакатлари ташқи ишлар кўмиталари вакилларида иборат. Ўзбекистондаги Президент сайловида кузатувчи сифатида қатнашдик. 9 июль куни ўзбек халқи учун тарихий кун бўлди. Улар ўзларига кейинги 7 йилга раҳбар сайлашди. Биз бир нечта сайлов участкаларида бўлганимизда яхши тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдик. Сўнгги 6 йил ичида Ўзбекистонга учинчи бор ташриф буюришим. Ҳар гал келганимда яхши томонга ўзгаришларни кўраман. Бу фақат Тошкентга тегишли эмас. Мен Самарқандда, Бухорода бўлганман ва мамлакат ташқи дунёга очилаётганини кўряпман. Бу ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий томондан жуда яхши. Умуман олганда, мен катта ўзгаришларни кўрдим. Бу ўтган 6 йил ичида катта ютуқларга эришилганидан далолат. Биз Болтиқбўйи давлатлари ва Европа Иттифоқи Ўзбекистонга инвестициялар ва туристларни жалб қилиш мақсадида ҳамкорликни давом эттиришга тайёرمىз.



Денис Бердаков,
халқаро кузатувчи (Қирғизистон):

– Сайлов юқори савияда ўтказилди. Ўзбекистон фуқаролари сиёсий фаол эканлиги хурсанд қилди. Фуқаролар оилавий келишди. Сайлов участкаларида уларни яхши кайфиятда кутиб олишди. Ҳамманинг кайфияти аъло эди. Умуман, сўнгги йилларда мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг яхшиланиши аҳолининг кайфиятига ижобий таъсир этган. Мен ҳаттоки, ёшлар, улуг отахон ва онахонлар овоз бераётганига гувоҳ бўлдим. Демак, бу инсонларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга бўлган қизиқиши юқори эканлигидан далолат беради. Бу ерга кўплаб халқаро кузатувчилар келган. Уларнинг баҳолари ҳам ижобий эканлигига ишончим комил. Биз нафақат сиёсий жиҳатдан стабиллик, балки юқори технологик ривож тилаймиз.



Сканд ТАЯЛ,
халқаро кузатувчи
(Ҳиндистон):

– Ўзбекистондаги сайлов жараёнларига таклиф этилганимдан фахрланаман. Мен бир нечта сайлов участкаларида бўлдим. Жараён сайловчиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиб сайлашлари учун жуда пухта ва тизимли ташкил этилди. Мен Ўзбекистонда 2005, 2007 йилларда бўлганман. Ва шундан буён доимий келиб тураман. Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилдан бери Ўзбекистонда катта ўзгаришлар қилаётганига гувоҳман. Булар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлардир. Бироз олдинроқ ўтказилган янги Конституцияни қабул қилиш бўйича референдум ҳам барча соҳалардаги ривожланиш учун хизмат қилади. Бугун Ўзбекистон Марказий Осиёда улугвор жараёнлар, буюк тараққиёт, янада кўпроқ ижтимоий ҳуқуқлар, кўплаб иқтисодий жараёнлар ва инсонпарварлик йўлида бораётган давлатдир.



Дору ФРАНТЕСКУ,
халқаро кузатувчи
(Бельгия):

– Ўзбекистондаги Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида қатнашганимдан хурсандман. Бўлиб ўтган сайлов ҳар томонлама юқори даражада ташкил этилган. Овоз берувчиларни рўйхатга олиш рақамлаштирилган тарзда олиб борилгани эътиборимни тортди. Сайловда иштирок этиш учун келганлар сони кўплигига ҳам гувоҳ бўлдим.

Фуқаролар ўз хоҳишлари билан Конституцион ҳуқуқларидан фойдаланишди. Бу уларнинг сиёсий жараёнга қизиқиши юқори эканлигидан далолат беради. Сайлов Ўзбекистон ва Европа муносабатлари ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Президент Шавкат Мирзиёевни қайта сайлангани билан табриклайман. Ўзбек халқи мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар бардавомлигини истаб, муносиб номзодга овоз берди. Жаноб Шавкат Мирзиёев сайловолди дастурининг мазмун-моҳиятини бошқа номзодларга қараганда яхши етказиб берганлиги сабабли халқ бу номзодни тўла қўллаб-қувватлади. Сайлов очиқ, ошқоралик ва демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтганлиги билан табриклайман!



Баронесса Манзила УДДИН,
Буюк Британия Парламенти Лордлар палатаси аъзоси:

– Халқаро кузатувчилардан бири эканлигимдан хурсандман. Сайловда амалдаги Президент ғолиб бўлгани билан бутун юртингиз аҳлини табриклайман! Биз сайлов участкаларида бўлиб, жараёнларни кузатдик. Аҳоли вакиллари, ёшлар билан суҳбатлашдик. Улар сайлов жараёнларида кўтаринки руҳда иштирок этдилар. Бундай ҳолатни шахсан мен биринчи мартаба кўришим. Мени ташкилий жараёнлар ҳам қизиқтирди. Овоз бериш жараёнлари сайлов участкаларида тартиб ва уюшқоқлик билан ўтди. 8 та сайлов участкасида бўлдим ва овоз берувчиларни кузатдим. Ҳамма жойда сайловчиларнинг юқори фаоллигини кўрдик. Партиялардан илгари сурилган номзодларнинг барчаси сайловда иштирок этишда тенг имкониятга эга бўлди. Ўзбекистон халқига келгусида фаровонлик, тинчлик ва омад тилайман.

“ҚҲЙЛҚ” ДЕХҚОН БОЗОРИ БУЗИЛАДИ...МИ?



Ассалому алайкум шахримизнинг бош тахририяти ҳисобланмиш “Тошкент оқшоми” газетасининг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаётган азиз ва қадрдон муштарийлар. Мана яна эътиборингиз марказида сизнинг Зийрак бобоингиз. Бу сафар қаёққа йўл олдийкин деб тургандирсиз. Бугунги сафаримиз пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган Қўйлик бозорига йўл олдик.

Дарвоқе, қайси бирига борди экан, деб ўйлаётгандирсиз. Мен иккала бозорга боришга қарор қилдим. Бири сизу биз яхши билган ва доим бозор-ўчар қилиб юрган “Қўйлик” деҳқон бозори бўлса, иккинчиси Янги Қўйлик яъни, “Food city” янгича ном билан очилган бозор.

Келинг, биринчи ўзимизнинг “эски” Қўйлик бозоридан бошласак. “Қўйлик” деҳқон бозорига кирар эканман, машиналар турар жойидан яъни, “стоянка”дан чиқиш жойида кимдир баланд овозда нимадирлар деб гапирарди. Бошида эътибор бермай бозор ичкарасига кириб кетаётгандим, бояги одам янада овозини баландлатиб, “аввал “стоянка”ларингни тўғирлаб, кейин пулни шунга яраша сўраларинг” деган хитоб билан гапирётганини эшитиб ёнига бориб сўрадим.

– Ҳа болам, нимага бунча жиғибийрон бўляпсан? – десам.

– Э, бобо кўрмайсизми, бозорга эрталаб соат 9:00 атрофида келгандим, киришимда кўлимга бир парча қоғоз берди. Шу қоғозни ҳозир чиқиб кетаётганимда (соат 13:20) бериб, неча пул бўлди десам отнинг калласидек суммани айтяпти, шу пулни тежайман деб атайлаб шу бозорда арзонроқ бўлади, дея келгандим, – деди ўзини Анвар деб таништирган шофёр йигит.

Дарҳақиқат, шу ҳайдовчининг ҳам гапида жон бор, ростан ҳам автомобиллар турар жойи талабга жавоб бермайди. Ҳаққини ҳам шунга яраша белгиласа, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўзим ҳам ўша кичкинагина буткача ёнига бориб, ичида ўтирган назоратчидан қизиқиб сўрадим. “Бозорга келгандик, машинани ичкарига жойлаб бозорлик қилиб чиқмоқчи эдик. Машина тургани учун неча пул оласизлар десам?”, кинояли кулди-да, “машинангиз қанча вақт турганига қараб ҳисоблаймизда”, деди.

Устига-устак бу бозор Катта ҳалқа йўли билан тутшиб кетганлиги сабабли бозор олдида машиналар тирбандлиги узундан-узон бўлиб кетади. Янги тушаётган йўл ўтказгич бу тирбандликларни бартараф қилар балки. Буни кўприк тўлиқ битказилиб, фойдаланишга топширилганида алоҳида келиб кузатармиз. Ҳозир бозорга қирайликчи, нима янгиликлар бўлаётган экан. Ахир кўчада турли миш-миш гаплар юрибди...

Мен эса бозор маъмурияти томон бордим. Кириб раҳбариятдан: “кимдир борми?”, дея сўрасам, “бозорни айланиб юришибди”, деди. Шунда мени хаёлимдан: “дуруст деб, ҳарқалай куннинг иссиғида ўзининг ҳаво совутгичи бор хонадасида эмас, бозорни назорат қилиб юрган экан”, деган ўй ўтди. Раҳбарлар ўтирадиган бинодан ташқарига чиқиб, бироз юргандим, дарвоза ёнида бир неча мутасаддилар турганини кўриб, ёнига яқинлашдим. “Кечирасизлар, менга “Қўйлик” деҳқон бозорининг масъуллари керак эди”, дейишим билан ёнимга иккита йигит келиб, “эшитаман, нима масалада эди” деб сўради. “Икки оғиз суҳбатлашмоқчиман”, дедим. Шунда ўзини “Қўйлик” деҳқон бозори директорининг биринчи ўринбосари деб таништирган Фарҳод Мажидов билан суҳбат курдик.

Унинг айтишича, “Қўйлик” деҳқон бозори бузилармиш, бозор Янги Қўйлик деҳқон бозорига кўчиб кетармиш ва ҳақозо кўчадаги миш-миш гаплар

асоссиздир. Бу бозор бузилмайди, аксинча таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бозор ҳудуди 10,8 гектар майдонга эга бўлиб, 295 та объект мавжуд. Ижара майдони 13768 кв.мни ташкил қилиб, 244 та ижара шартномалари тузилган. Шундан 180 нафари яқка тартибдаги тадбиркорлар бўлса, 64 нафари юридик фирмалардан иборатдир. Шунингдек, бозор маъмуриятининг 130 нафар ходими турли вазифаларда фаолият юритади.

– Дарвоқе, “Қўйлик” деҳқон бозори улгуржи ва чакана савдо объект бўлиб, бир кунда минглаб тонна турли маҳсулотлар бозорга кириб келади, – дейди Фарҳод Мажидов.

– Мисол учун жорий йилнинг 8 июль куни 379 тонна картошка, 412 тонна пиёз ва 153 тонна сабзи маҳсулотлари республикамизнинг турли ҳудудларидан кириб келди.

Шу ўринда сотувчилар билан ҳам суҳбат қуриш мақсадида улгуржи бозорига йўл олдим. Картошка сотаётган деҳқонлардан бири:

– Бир кунда 5 млн.га яқин савдо қиламан, – дейди ўзини Аслиддин деб таништирган самарқандлик деҳқон. – Асосий мижозлар 4, 5, айримлари 10 қопгача картошка олади. Санокли мижозларгина бир қоп, ярим қоп олади.

Бозордаги нарх-навонинг қимматлашиб кетишининг олдини олиш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментнинг Бектемир туман бўлими ходимлари ҳам бириктирилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Шу билан “Қўйлик” деҳқон бозоридан чиқиб, “Food city” яъни, Янги Қўйлик бозорига йўл олдик. Савдо маркази Қўйлик бозорининг ҳозирги жойидан 6,5 км. узоқликда жойлашган бўлиб, ушбу бозорга кирар эканман рости ўзимни чет элда юргандек ҳис этдим. 20 000 квадрат метр майдонга эга мазкур савдо бозорида йил давомида маҳсулотларни бир хил ҳароратда сақлаш учун замонавий совутиш тизими, 2500 та савдо дўконлари ва витриналар, 3 000 та енгил автомобиль, 400 та юк машинаси сиғимига мўлжалланган замонавий автомобиль тўхташ жойлари, 250 ўринга мўлжалланган замонавий меҳмонхона комплекси бўлиб, иш вақти 24/7, автомобиль тўхташ жойи, текин Wi-Fi, лифт хизмати, кир ювиш хизмати, меҳмонхона номерлари 3 даражали: ҳостел, стандарт ва премиум, энг асосийси нархлар қулай ва ҳамёнбон.

Шунингдек, куруқ омбор 6000 квадрат метрга эга. Бу омборда асосан маълум даражадаги ҳароратда сақланиши талаб этилмайдиган маҳсулотлар сақланади. Мазкур омборда маҳсулотларни ишончли сақланишини кафолатлаш мақсадида видеокузатув камералари ўрнатилган ва улар 24 соат ишлайди. Юқларга зарар бермай жойлаштириш мақсадида, замонавий юк ташувчи техникадан фойдаланилади. Совутгич омбор 6000 квадрат метрни ташкил этади. Мазкур омборда маълум бир ҳароратда сақланиши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари сақланади. Ушбу маҳсулотларни ишончли сақланишини кафолатлаш мақсадида видеокузатув камералари ўрнатилган ва улар 24 соат ишлайди.

10 000 квадрат метр майдонга эга музлаткич омборида совуқ ҳароратда сақланиши лозим бўлган ва тез айнишга мўлжалланган маҳсулотлар сақланади. Ушбу маҳсулотларни ишончли сақланишини кафолатлаш мақсадида видеокузатув камералари ўрнатилган ва улар 24 соат ишлайди.

Шунингдек, шаҳар ичи ва шаҳар ташқарисига қатновчи 36 та автобусга мўлжалланган автобус тўхташ бекати, йўналиш таксилари учун тўхташ бекати, енгил ва юк автомобиллари диагностикаси ва таъмирлаш автосервиси мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки бозорларда тўкин-сочинлик, сотувчига ҳам, харидорга ҳам керакли шароитлар яратилган. Фақат баъзи камчиликларни санамаганда. Шу баъзи камчиликларнинг олди вақтида олинмаса, келажакда катта бир муаммони олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Зийрак БОБО

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ФОИЗСИЗ ТАЪЛИМ КРЕДИТИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 18 июлдаги ПҚ-323-сонли қарорига кўра олий, ўрта махсус ва профессионал таълимда таҳсил олувчи хотин-қизларга 7 йилга 14 фоизлик таълим кредитлари ажратилади. Бунда фоиз ставкаларини Молия вазирлигининг жамғармаси қоплаб беради. Хотин-қизлар эса асосий қарзни ўқишни тамомлагач, 7 йил давомида тўлайди.

Аввало, Президентимизнинг талаба-қизларга қаратган бундай эътибори барча шартнома асосида ўқишга кирган ва таълим олиш истаги юқори бўлган, аммо оилавий шароитидан келиб чиқиб, ўқиш ниятидан воз кечаётган қизлар учун аниқ муддао бўлди. Шундай вазиятларда ўқишни бошлаб, таълим кредитларидан фойдаланиш – таълимни тарқатишдан фойдаланган танлов бўлиши мумкин.

Буюк давлат арбоби Индира Гандининг шундай гапи бор: “Битта қиз болани ўқитсангиз, бутун оилани ўқитган бўласиз”. Бу сўзлар бежиз айтилмаган. Бунинг замирида ҳаётини ҳақиқат борлигини албатта, ҳаммамиз яхши биламиз.

Аслида олий маълумотли бўлишнинг оилавий бахтга алоқаси йўқ бўлиши мумкин. Лекин ўқимишли кишиларнинг маънавий дунёси, фикрлаши, дунёқараши бошқалардан кўра фарқ қилади. Қолаверса, ёшларнинг яхши, одобли, меҳнатсевар, соғлом бўлиб ўсиши кўп жиҳатдан онасига боғлиқ бўлади. Давлатимиз раҳбарининг бу қарори хотин-қизларнинг ҳам илмий, ҳам дунёвий тарафлама мукамал бўлишлари учун янада қулай имконият.

Хўш, бу қандай амалга оширилади? Қарздорликни белгиланган муддатдан олдин ёпиш мумкинми?

Шу каби саволларимизга янада тўлиқроқ ва аниқ маълумот олиш мақсадида биз «Туронбанк»нинг Чакана бизнес масалалари бўйича етакчи мутахассиси Шабнам Ражабовага юзландик.

– Биринчи навбатда кредит олмоқчи бўлган фуқаро talim-kredit.uz платформаси орқали ариза топширади. Мазкур платформанинг ўзида қайси банкдан кредит олмоқчи бўлса ўша банкни танлаш имконияти мавжуд, шу билан бирга тизим ўзида “SCORING”дан ҳам ўтказилади.

– SCORING қандай тизим?

– SCORING мижознинг тўлов қобилиятини аналитик баҳолаш тизими. Рақамли статистик усулларга асосланиб, тизим автоматик равишда «балларни ҳисоблайди» ва потенциал қарз олувчининг ишончилиги ҳақида натижа беради. Тўпланган баллар натижаларига кўра, тизим кредит, микромолия ёки муддатли тўлов билан товар ва хизматларни тақдим этиш имкониятини тасдиқлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ушбу тизимдан муваффақиятли ўтгач, ўзлари танлаган банкка мурожаат қилишади. Бунинг учун 1 та қўшимча қарздор ва таъминот талаб қилинади. Таъминот учун суғурта полиси, кафиллик шартномаси ёки кўчмас мулк гарови тақдим этилиши мумкин. Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар учун бундай талаблар талаб қилинмайди. Хотин-қизлар учун бу кредитимиз фоизсиз. Фоизсиз деямизу аслида 14 фоиз. Аммо ушбу фоизлар таълим кредитларини молиялаштириш фонди томонидан (Молия вазирлиги қошида) қоплаб берилади.

Бундан ташқари, кўплаб фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар инobatта олинган ҳолда қарорга мувофиқ профессионал таълим муассасалари ҳамда таълим муассасаларининг сиртки ва кечки таълим шаклида ўқиётган талабалар учун ҳам имтиёзли таълим кредити ажратилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, супер-контракт, қўшма таълим, масофавий таълим ва иккинчи мутахассислигида ўқийдиганлар учун берилмайди.

– Тўлов қачондан бошланади?

– Таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб (яъни олти ой ўтиб) 7 йил давомида қайтарилади. Масалан, 7 млн. сўм таълим кредити олинса, ўқишни тугатгандан сўнг, 6 ой ўтгач 7 йил мобайнида ойма-ой 83 минг сўмдан тўлаб борилади.

– Қандай ҳужжатлар талаб этилади?

– Имтиёзли таълим кредити олиш тўғрисидаги тижорат банкка ариза;
– кредит олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;
– таълим муассасасининг тўлов-контракт шартномаси;
– кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, турмуш ўртоғи) ёки учинчи шахс биргаликда қарз олувчининг тижорат банкнинг кредит сиёсати ва ички тартибига мувофиқ имтиёзли таълим кредити қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжат.

– Қандай мижозлардан гаров ёки кафиллик талаб этилмайди?

– Агар талаба “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оиланинг фарзанди бўлса, таълим кредити бўйича гаров ва кафиллик талаб этилмайди – реестрга киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома берилиши кифоя.

Банк тақдим этилган ҳужжатларни 5 иш куни ичида кўриб чиқади ва ушбу талабага таълим кредити ажратиш ёки ажратмаслик бўйича қарор қабул қилади.

Кредит беришни рад этган тақдирда, аризаچига рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда жавоб хати берилади.

– Кредитни белгиланган муддатдан аввал ёпиш мумкинми?

– Агар қарз олувчида қўшимча маблағ мавжуд бўлса, у кредитини муддатидан аввал ёпиши мумкин. Масалан, ўқишни битирган талаба бирдан даромад манбаига эга бўлса – 7 ой фақат кредит бўйича фоиз тўлаб бормасдан, асосий қарзни ҳам сўндириб бориши мумкин. Бунда кредит бўйича умумий тўловлар миқдори камроқ бўлади.

Ҳар қандай узоқ муддатли кредитни муддатидан олдин сўндириш ушбу кредит бўйича умумий тўловлар миқдорининг камайишига ёрдам беради.

Таълим кредити маблағлари тижорат банки томонидан тақдим этилган шартнома ёки ҳисоб варақаси фактурасида кўрсатилган ҳисоб варағига маблағ кўчириш йўли билан ўтказиб берилади.



Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Табиий фанлар факультети талабаси Гулфинур ИСЛОМОВА:

– Сиз фоизсиз таълим кредитини олишни қанчалик қулай деб ҳисоблайсиз? Жараёнда муаммолар ҳам бўлдим?

– Мен ва мен қатори бошқа тенгдошларимга ҳам бу қулай ҳамда самарали имконият бўлди деб ўйлайман. Биламизки азал-азалдан қизларнинг ўқишига бошқача кўз билан қарашган. Ўқишга ўз кучи билан давлат грантига кириш-ку майли, давлат имтиҳони яқинлашгани сари контракт бўлиб қолсамчи нима бўлади? Ота-онам ўқитармикин? Уларга оғирлигим тушишини хоҳламайман, каби хаёллар мени жудаям қийнаб юборган эди ва шундай ҳам бўлди. Мен 2021 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Табиий фанлар факультети Биология йўналишига тўлов-контракти асосида кирдим. Биринчи йили амаллаб тўладик. Иккинчи йили эса фоизсиз таълим кредити жорий этилди. Мен учун яхши янгилик бўлди. Бунинг учун керакли ҳужжатларни йиғишни бошладим. Олдинига осон кўринди, бироқ ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бор экан. Масалан сизга кафиллик қилаётган инсоннинг давлатдан ҳеч қандай қарздорлиги ва кредити бўлмаслиги керак экан ваҳоланки, биз буни билмадик ва бу ҳақда бизга ҳеч ким маълумот беришмаган эди. Ҳозир бир-бирига ишониб ёрдам берадиганлар анча кам. Кафил қилишга қилиб ўзи тўламайдиган ва қочиб юрадиганларни ҳам кўрганмиз. Шу аснода анча қидирдик ва мақсадимизга эришдик. Кимда қандай бўлди билмадимку, аммо менда шу каби ҳолатлар юзага келди. Менимча, шу бўйича ҳам бирор масъул ходимга тушунтириш ишлари олиб боришни юклашса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дилнур МАМАСАФОЕВА тайёрлади

ГЕРМАНИЯ

ОРЗУСИ



“300 га яқин ёш ўзбекистонликлар «Турон» фирмасининг қурбонига айланишди. Уларни Германияга ишлашга жўнатишди ва шунчаки ғойиб бўлишди. Йигитларга уларни Ferienjob дастури бўйича иш ташкил этишга ваъда беришди. Бу лойиҳа Американинг “Work and Travel” дастурининг аналогидир. Энди улар темир йўл станцияларида. Ва қаерда ухлашни, нима қилишни билишмайди. Ушбу видео бугун Мюнхеннинг асосий темир йўл станциясида суратга олинган. Бизда шундайлар бор – немислар бизга ишонишади, визалар беришади, йигитларимизни кўришдан хурсанд. Ва бизникилар ўзларини алдайдилар. Шундан кейин ким биз билан ишлайди? Берлиндаги элчихонамиз йигитларга ёрдам беришига умид қиламан. Гарчи бу ерда уларнинг айби йўқ. Ҳушёр бўлинг! Фирибгарлар атрофингизда”

Никита МАКАРЕНКО,
блогер



Яқинда ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган видеода бир қанча Ўзбекистон фуқаролари Германиянинг Мюнхен вокзалида қолишаётгани акс этган. Блогер Никита Макаренко видеони ўз саҳифасига жойлаган ва хусусий консуллик томонидан фирибгарлик ҳолати эканлиги изоҳда айтилган.

Хўш, ватандошларимизнинг бугунги ҳолати қандай? Уларга қандай амалий ёрдам кўрсатилди? Юртдошларимиз фирибгарлик қурбони бўлмасликлари учун қандай чоралар кўришлари керак? Шу саволлар билан Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси Ахборот сиёсати масалалари бўйича раис маслаҳатчиси, матбуот котиби Муслимбек Ақромовга юзландик:

– Ҳозирги кунда Германияда “кўчада қолган талабалар”нинг тақдири нима бўлди?

– Бугунги долзарб масалага айланган ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистоннинг Франкфурт–Майндаги Бош консулхонаси маълумот беради. Унга кўра, Германияда “Work and Travel” дастури бўйича жўнатилган бир неча ўзбекистонликлар иш билан боғлиқ муаммолари

сабабли Мюнхендаги вокзалда тунашга мажбур бўлган. Аммо Бош консулхона ходимлари ва “Хумо” ўзбек-немис маданий жамияти фаоллари томонидан 35 нафар Ўзбекистон фуқаросига ушбу ҳудудда вақтинча яшаш учун ёрдам кўрсатилган.

Билдирилишича, айти пайтда Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси ва Франкфурт–Майндаги Бош консулхона вазиятни назоратга олган ва тегишли органлар билан ҳамкорликда ушбу муаммони бартараф этиш чораларини кўрмоқда.

– Давлат томонидан бепул ташкил этилган талабаларнинг чет эл давлатларига сафар дастурлари ҳақида ишончли маълумотларни қаердан топиш мумкин?

– Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига махсус хорижда бепул амалиёт ўташ, турли фестивалларда қатнашиш каби мавзуларда фойдали постлар жойлаб борилиши ҳақида эслатиб ўтмоқчиман. Хусусан сўнгги кунларда фототанлов, амалиёт дастурлари ҳақида маълумотлар жойлаган эдик. Ва эндиликда “Талабалар учун чет элга қисқа муддат учун чиқиб келиш дастурлари” ҳақида пост тайёрлаш жараёнида. Шунингдек, Ассоциациянинг хориждаги вакиллари томонидан юритиладиган ижтимоий саҳифаларида ҳам қандай қилиб хорижда бепул сафар қилиш ҳақида қизиқарли маълумотларни топишингиз мумкин.

– Ноқонуний хусусий бандлик агентликларига алданиб қолмаслик учун қандай тавсиялар берасиз?

– Бу ҳозирги кунда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлган мавзу десак ҳам бўлади. Аввало алданиб қолмаслик учун биз фақатгина расмий маълумотларга таянган ҳолда иш тутишимиз керак. Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг расмий сайтида лицензияга эга хусусий бандлик агентликлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, фуқароларимиз Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг 24/7 форматда фаолият олиб борадиган ишонч телефонлари орқали ҳам расмий маълумотга эга бўлишлари мумкин. Ватандошларимиз меҳнат қилишга борадими ёки таълим олишга албатта таъриф буюрадиган давлатнинг қонун-қоидаларини хусусан, муҳожирлар ёки хорижий талабалар йўл қўймаслиги керак бўлган қонуний хатолар ҳақида яхши билиб олишлари керак. Шунингдек, меҳнат қилиш мақсадида жўнаб кетаётганлар бормасидан аввал меҳнат соатлари, дам олиш кунлари ва ойлик маош ҳақида иш берувчи билан батафсил суҳбатлашиб олишларини тавсия қилардик. Таълим олиш мақсадида сафар қилаётганлар эса таълим олиш жараёнида хорижий талабаларга қонуний ишлаш мумкинми? Агар мумкин бўлса ҳафтасига неча соатгача мумкинлиги ҳақида батафсил билиб олишлари керак. Иложи борица маҳаллий талабалар билан дин, сиёсат, ирқчилик, гендер каби масалаларда конфликтга бормасликлари тавсия этилади.

Хулоса ўрнида ёшларга эслатма сифатида шунини айтиб ўтмоқчиман: қисқа ёки 2-3 ойни ўз ичига олган чет давлатга ташриф даврлари асосан бепул бўлади. Хорижий тилни билганлар онлайн регистрациядан ўтишлари мумкин. Бунда сизнинг ҳам вақтингиз (яъни хусусий агентликларга қатнаш шарт эмас), ҳам нақднгиз тежалади. Юқоридаги ҳолат ҳам аслида Германия томонидан ишлаб чиқилган текин дастур. Лекин баъзи жиғилдонини ўйлаганлар пул топишнинг осон усули деб қарашмоқда. Натижада, келиб чиқиши номаълум хусусий агентлик найрангларининг қурбонлари ўз юртдошлари томонидан алданиб, ўзга юртда сарсон-саргардон бўлишмоқда.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА
суҳбатлашди

Раъно Зокирова!

Ўзбекона роғларга илҳақман!

Аёл – нозик
бир ҳилқат!
Лекин шу
нозиклик
ортида
юксак
матонат,
сабр-тоқат
муҳассам.
Раъно
Зокирова!
Кино ва
театрдаги
ижро этган
роғлари
билан
халқнинг
меҳрини
қозонган
санъаткор!
Оилапарвар!
Санъатни
севади лекин
ҳеч қачон
оиласи ва
яқинларининг
меҳрини
ижоддан
баланд
тутмайди.



Раъно Зокирова 1969 йилнинг 7 августида Тошкентда таваллуд тогган. Кинодаги фаолиятини 1984 йилда бошлайди. 1988 йили Тошкент Хореография билим юрти, 1999 йилда аввалги Тошкент Давлат Маданият институтини (ҳозирги ТДСМИ) тамомлайди. 1988 йилдан то 1995 йилга қадар “Шодлик” рақс ансамблида фаолият юритади. Маълум муддат Ўзбек давлат драма театрида актриса сифатида ҳам ишлайди.

1995 йилда Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист, 1998 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонлари берилган.

Илк қадам...

– Ўн тўрт ёшимда кино деган мўъжизавий оламга кириб келдим. Устозим Али Ҳамроевнинг маслаҳатлари билан катта кинода катта актёрлар билан иш бошладим. Биласизми, мен бахтли актрисаман, чунки илк ижодий ишимдаёқ устозларнинг мактабини кўрдим. “Водиллик келин” – катта ансамбль эди. Режиссёримиз Али Ҳамроев ҳар бир образ учун алоҳида ёндошган эди. Эсланг, картинадаги ҳар бир кадр кўзимиздан қалбларга кўчадиган, самимий эди. Ўзбекистон халқ артистлари – Ҳусан Шарипов, Бахтиёр Ихтиёров, Марям Ихтиёрова, Ойбарчин Бакирова, Эргаш Каримов каби устозларнинг маҳорати, муҳаббати “Водиллик келин”га ўзгача салобат, самимият бағишлаган эди. Шу тариқа менинг кинодаги ҳаётим бошланди.

Ҳар бир ижро – образга айланиши керак

– Мен ҳеч қачон берилган ролга оддий қарамайман. Масъулият ҳамиша зиммамда туради. Шундай образлар бор, юрагингдан ўтади, руҳиятига таъсир қилади. Шунчаки ўйнаб кетиш мумкин, аммо мен томошабинни алдай олмайман, касбимга хиёнат қилолмайман. “Илҳақ”даги онани ижро этиш осон бўлмади. Унинг юрагида оиласи, фарзандининг дарди билан бирга замоннинг юки ҳам бор. Эсланг, дуоларида дард бор, исёнларида илтижолари бор... “Малак” номли сериалда мен салбий қаҳрамонни ижро этганман. Биласизми, қаҳрамоним руҳиятидаги ҳолатларни ўзимдан ўчиришим осон бўлмади. Сабаби образга тайёргарлик, уни ўзимга сингдириш ҳам осон бўлмаганди. Баъзида кучли драматик образлардан кейин чарчайсиз. Юрак, руҳият толиқади. Шундай пайтларда бир зум тин оламан! Биламан, маълум маънода соғлигим кетади, лекин нима қилай мен суратга олиш майдонига югуриб келиб бир зумда “ишлаб” кетолмайман!

Режиссёр танлайман

– Мен режиссёр танлайман! Чунки ўзининг ишини яхши билмаган одам билан ишлаш азоб. Нафақат вақтдан балки асаблар ҳам кетади. Профессионаллар

билан ишлаш завқ беради. Майдонда Сизнинг аниқ мақсадингиз бўлади. Масалан, мен Зулфиқор Мусоқовнинг фильмларида борлигимдан хурсандман. Режиссёр сифатида Зулфиқор Мусоқов актёр билан ишлашни билади, у майдонда сизга тўғри топшириқ беради. Яна Мусоқов оддийликни, табиийликни яхши кўради. Биласизми, шу инсон мени пардозсиз камера қаршисида ишлашга ўргатди. Образ учун керак бўлса хунук қиёфадан қочмасликни ҳам Мусоқов ўргатди.

Болаларим бахтидан бахтиёрман

– Ўғлимни уйлантириш вақти келганда аввало унинг ўзидан “кўнгил кўганинг борми?”, деб сўрадим... Дилбарни мен суратга олиш майдончасида кўриб қолдим. Истараси иссиқ, самимий яна ҳозир кўпчилик қизларда учрамайдиган устозларга юксак ҳурмат, меҳрни кўрдим унда. Кейин ўғлимга айтдим, бир учрашиб кўр, жуда бўлмаса фильмларингда роль ўйна, жуда яхши қиз экан дедим. Тақдир насиб Паркентдан Дилбархонни келин қилиб олиб келдим. Қудаларим ҳам зиёли, оқил инсонлар. Доим болаларимнинг бахти учун дуодаман. Қайноналик қилиб, келиннинг ҳар қадамини пойлаш менга эмас. Чунки, шукр ўзимнинг хизматимни ўзим қила оламан. Биласизми, одамдан яхши сўз, меҳр қолади. Ёшлиқ бир зумда ўтиб кетади, ёшлар ўзларининг ҳаётига ўзлари эгалик қилсин дейман. Ўғлим ҳам, келиним ҳам фаросатли, ақлли-хушли. Дилбархон билан бирга-бирга ошхонада иш қиламиз, “сиз ўтиринг”, дейди менга. “Нега ўтираман, оёқ-қўлим соғ бўлса”, дейман қулиб. Шукр, уларнинг бахтини кўриб ўзим бахтиёрман!

Орзуимдаги образ

– Мен шу кунгача кўпчилик актрисалар орзу қилган ролларни ижро этдим. Уларнинг ичида яхшиси ҳам, ёмони ҳам, девонаси, соғи ҳам бор. Лекин биласизми, мен экранда Лутфихон аядек мунис образда қолгим келади. Шундай ролни кутаяпман, “Раъно ая” бўлгим келади. Яна халқнинг артисти Зайнаб Садриевадек ҳақиқий ўзбекона шаддод она образига ҳам илҳақман.

ПОЙТАХТИМИЗ ТЕАТРЛАРИДА МАВСУМ ЯКУНЛАНДИ

Ёз фаслининг ўрталарига келиб юртимиз театрларининг кўпчилигида мавсум якунланади. Йил давомида минглаб театр ихлосмандлари спектакль томошасига ташриф буюришади. Бу мавсум давомида қанча спектакллар саҳналаштирилгани, томошабинлар ташрифи ва шу каби бошқа саволларга пойтахтимизда жойлашган бир неча театрлардан жавоб олдик. Шубҳасиз юртимизнинг "отахон" театри бу – Ўзбек Миллий академик драма театридир.



Илк суҳбатдошимиз Ўзбек Миллий академик драма театри режиссёри Асқар ХОЛМУМИНОВ бўлди:

– Йил давомида неча спектакль саҳналаштирилади?
– Бир йиллик иш режамиздан энг камида 4 та янги спектакль жой олиши керак. Бу йил ҳисобида театримиз жамоаси томошабинларига ҳозирча иккита спектакль тақдим этди. Биринчиси Бертолд Брехтнинг «Шаддод она ва унинг фарзандлари» (Режиссёр Т.Исроилов), Эркин Хушвақтовнинг «Чиройлисан, муҳаббат» (Режиссёр Б.Тўраев)

асарларидир. Қолган икки асар эса янги йилга қадар томошабинларга тақдим этилади. Олдин саҳналаштирилган асарлар эса талаб ва истаклардан келиб чиқиб ҳафтада бир ёки бир неча бор мухлисларга ҳавола қилинади.

– Йилнинг энг яхши режиссёри ва бошқа мукофотлар сизга қанчалик масъулият юкламоқда?

– Ҳар бир ютуқ киши учун қувонарли албатта. Ютуқ ортидан елкага масъулият тушиши ҳам бор гап. Лекин мен учун ижод жараёни ўша, ўз йўлида давом этади. Ижод ўзгача олам. Унинг ортидан келадиган ютуқлар унга дахл қилолмайди. Энг муҳими шу ижод орқали инсон кўнглига кириб бориш... Ҳозирча янги асар, асарлар устида иш олиб бораёмиз.

– Қайси асарларнинг томошабини кўпроқ, аншлаб бўлган асарлар бўлди?

– Бу мавсумда саҳналаштирган спектакллар томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. Янгидан-янги премьераларни соғиниб қолган театр ихлосмандлари томоша залларини тўлдириб ўтиришди. Репертуардаги қолган спектаклларимизнинг ҳам ўз томошабинлари бор.

– Бошқа театрларга қараганда Миллий театр спектаклларига ташриф буюрувчилар сони кўпроқдек. Буни қандай сабаблар билан боғлаш мумкин?

– Юртимиздаги ҳар бир театрда томошабинлар етарли. Сабаби театрни севадиган томошабин ҳар доим ҳам спектакль кўриш учун Миллий театрга ташриф буюравермайди. Томошабин бир кун бизнинг театр спектаклини, яна бир кун Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри, яна бир ўринда Рус драма театрида спектакллари томошасига боради. Бироқ, отахон театримизнинг ўзига яраша файзи, чорловчи хусусиятлари ҳам йўқ эмас. Балки шу сабабдан ҳам доим томошабинларнинг кўпроқ диққат марказида турса керак!



Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри бош режиссёри Достон ҲАҚБЕРДИЕВ:

– Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида бу йилги мавсум қандай ўтди?

– Мавсум ўзгариш ва янгиликларга бой бўлди. Ҳар кун мунтазам равишда спектакллар қўйиб борилди. Ҳар бир саҳна асарини томоша қилиш учун икки юз, уч юзга яқин томошабинлар ташриф буюришди. Бошқа театрлар қатори бизнинг театрда ҳам бир мавсумда тўртта янги асар саҳналаштирилади. Аини дамда таътилдамиз. 16 августдан барча театр ходимлари яна ишга қайтишади.

– Йил давомида аншлаблар кузатилдими?

– Албатта, янги спектакллар премьераларида, театр кунига бағишланган

очиқ эшиклар кунда ва шанба, якшанба кунлари аншлаблар кузатилади.

– Ушбу театрни янги мавсумда қандай ўзгаришлар кутмоқда?

– Театримиз бугун жуда катта шижоат билан ижод қилмоқда, кун кеча муҳтарам Юртбошимиз билан бўлган сайловолди учрашувида Президентимиз томонидан: «Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрига академик театр мақоми берилсин», деган сўзлари республикаимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Маданият ва туризм вазирлиги томонидан театрларимизга эътибор ниҳоятда катта, ҳар бир спектаклларга раҳбарларимизнинг шахсан ўзлари ташриф буюриб, театрнинг аҳволи, ижодкорлар яшаш шароитлари билан қизиқиб, барча ёрдамларини бериб келмоқдалар. Шукрки, театримизга ташриф буюрувчи мухлислар кўп. Янги мавсумда ҳам театримиз ижодкорлари бор кучлари билан энг сара асарларни саҳналаштириб, томошабинларга хизмат қилишдан чарчамайдилар.

Ўзбекистон Давлат Сатира театри режиссёри Мансур ХОЛИҚОВ:

– Бу мавсумда қандай янги асарлар саҳналаштирилди?

– 2022 йил охирида Ғафур Ғулом ҳикояси асосида «Шум бола» комедиясини саҳналаштирдик. Шундан сўнг Иброҳим Содиқовнинг «Афандининг беш хотини» асари асосида «Беш хотиннинг Афандиси» комедияси, инглиз драматурги Рей Кунининг «13-хона» комедияси каби янги асарлар саҳналаштирилди. Учинчи чорак меҳнат таътилидан сўнг Григорий Гориннинг «Тилафсонаси» комедиясини саҳналаштиришни режалаштиряпмиз. Тўртинчи чоракда эса болалар учун мўлжалланган эртақ спектакль саҳналаштирилади. Бу рўйхатдаги асарлар театримиз томонидан илк бор саҳналаштирилаётган асарлардир. Ваҳоланки, театримизда деярли ҳар кун спектакллар тақдим қилинади ва юз, икки юз нафарга яқин томошабин ташриф буюради. Томошабинлар ҳам асосан комедия спектаклларга кўпроқ келишади. Болалар учун мўлжалланган эртақ спектаклларимизда аншлаблар ҳам кузатилади.

– Сатира театрининг ўзига хос жиҳатлари нимада?

– Сатира театрида асосан комедия жанридаги спектакллар кўпроқ саҳналаштирилади. Бироқ, репертуарда драма, трагикомедия, мусиқали комедиялар ҳам мавжуд. Маълум бир жанрга боғланиб қолмаганмиз. Қолаверса, ачиқ кулгу, қаҳрамонларнинг турли ҳолат ва вазиятлардан кулгили тарзда чиқиб кета олиши ҳам томошабинларни театримизга кўпроқ жалб қилади.



Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри адабий бўлим бошлиғи Икром ЭРҚУЛОВ:

– Таътилга қадар қандай ишлар амалга оширилди?

– Йил давомида тўртта янги спектакль топшириш вазифаси юклатилган. Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса соат 11.00 да рус тилида, соат 13.00 да ўзбек тилида спектакллар намойиш қилинади. Май ойида ўтказилган театр ойлигида кунига учтадан спектакль қўйилди ва жалб қилинган ўқувчилар 350 ўринли театримизни тўлдириб ўтиришди. Энг сара спектаклларимизни айнан шу ойда болажонларимизга намойиш этдик. Бундан ташқари, йил бошидан буён «Гамлет» спектакли устида ишляпмиз. Бу асар одатий асарлар каби ярим соат ёки бир соатлик асар эмас. Икки ярим соат давом этадиган мураккаб асарлардан бири. Эътиборлиси, бу асар юртимизда ҳам хорижда ҳам кўғирчоқ театрларида тўлақонли саҳналаштирилмаган. Шу ўринда кўғирчоқ театри болалар учун эмасми, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ кўғирчоқ театри нафақат болалар, ёши катталар учун ҳамдир. Бу театрда саҳналаштирилган илк спектакль ҳам катта ёшлилар учун мўлжалланган. Вазирлик тасдиғидан ўтса «Гамлет» асари ҳам репертуаримиздан жой олади. Бундан ташқари, 5 июндан 10 июнга қадар Татаристон Республикаси Қозон шаҳрида туркийзабон давлатлар ўртасида ўтказилган Халқаро фестивалда Алишер Навоий асари асосида «Саъбаи сайёр» ва «Баҳром ва Дилором» деб номланган спектакллар намойиш қилинди. Қозоғистоннинг Астана шаҳрида бўлиб ўтган «Қуралай» Халқаро кўғирчоқ театрлари фестивалида театримиз жамоаси кўғирчоқ бошқариш бўйича ўз маҳоратларини юқори даражада кўрсатишди ва учта диплом билан қайтишди. Эндиликда сентябрь ойида мавсум очилишига Россиянинг энг машҳур Сергей Абрасов номидаги театр жамоаси ташриф буюриши кутилмоқда. Октябрь ойида эса пойтахтимизда театр фестивали ўтказилиши кутилмоқда.

– Кўғирчоқ театрининг ўрни ва машаққати ҳақида нима дея оласиз?
– Албатта кўғирчоқ театрида ишлаш машаққати катта. Драма театрида актёр ички ҳис-туйғуларини тўғридан-тўғри ўзи намойиш қилади. Кўғирчоқ театри эса барча ҳис-туйғуларни, кечинмаларини ўзидан ўтказиб кўғирчоққа беради. Қоронғу саҳнада битта кўғирчоқни ҳаракатлантириш учун учта-тўртта актёр иштирок этади. Болалар учун мўлжалланган қисқа асарларнинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги бор. Яна бир эътиборли жиҳати театримиз ҳам рус, ҳам ўзбек тилида фаолият юритади. Бундан ташқари, актёрларимизнинг ютуқ тарафи хорижий фестивалларда хориж тилида ҳам спектакль кўя олишади. Мисол учун Покистонга боришганда урду тилида, Туркияда турк тилида, Францияда бўлиб ўтган фестивалда француз тилида спектакль қўйишган. Спектаклларимиз жуда кўп ўттиз йилдан буён репертуаримиздан тушмай келаётган асарлар ҳам мавжуд. «Карвонсарой», «Фотиманинг саргузаштлари» каби асарлар шулар жумласидандир.

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ТАЪСИСЧИЛИГИДА БЎЛГАН «O`ZAVTOSANOATTRANS» МЧЖ ДИРЕКТОРИ ЛАВОЗИМИГА НОМЗОД ТАЙИНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- 1-иқтисодиёт, техник мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган;
- 2-раҳбарлик лавозимида камида 5 (беш) йиллик иш стажига эга бўлган;
- 3-интизомли, талабчан ва принципаалликка эга бўлиш;
- 4-ўзбек, рус, инглиз тили – эркин мулоқот қилиши (чет тилларни билиши);
- 5-компьютер билимдонлиги – MS Office-ишончли фойдаланиш;
- 6-нафақа ёшига тўлмаганлиги;
- 7-соҳа бўйича 5 йиллик тажрибага эга бўлиши.

Ишнинг асосий шартлари:

- 1-Иш тартиби: Душанба-жума кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача, шанба куни 08.00 дан 15.00 гача.
- 2-Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси бўйича расмийлаштирилади.

Иш ҳақи: Штатлар жадвалига мувофиқ.

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

- Олий/ўрта махсус маълумот;
- Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ишлаб-чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлиги ва саноат хавфсизлиги қоидалари ва нормаларини билиш;
- Жамият фаолиятига тегишли Ўзбекистон Республикаси қонун актларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлиги, маҳаллий ҳокимлик органлари ҳамда бошқа раҳбарлик ва норматив ҳужжатларни, корпоратив бошқарув принципларини билиш;
- Жамият фаолияти соҳасида раҳбарлик лавозимларида 5 йилдан кам бўлмаган муддат ичида тажрибага эга бўлиш.

Танловда иштирок этиш учун номзод жамиятга тақдим этиши шарт бўлган ҳужжатлар:

- Тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати ва алоқа маълумотлари кўрсатилган ҳолда танловда иштирок этиш учун ариза;
- шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, меҳнат дафтарчаси нусхаси ёки меҳнат тажрибасини тасдиқловчи ҳужжат, олий/ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхаси ҳамда қўшимча маълумотга эга бўлганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;
- танлов учун ҳужжатлар эълон берилган кундан бошлаб 10 кунлик муддатда қабул қилинади.

Ҳужжатларни қуйидаги манзиллар орқали юборишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ.Байқаро кўчаси, 40-уй.
Тел: +998 71-295-25-19.
Электрон манзил: uzavtosanoattrans@mail.ru

Абдукадирова Нурисахон номига 1993 йил 9 апрелда берилган 10-01/18369 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муродов Саъдулла Раҳматуллаевич номига 1993 йил 1 мартда берилган 01-01/13545 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.


АФСОНАВИЙ ЮЛДУЗЛАР

Санъат майдони катта. Унда минглаб қиёфалар бор. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам юлдуз эмас. Кимдир таниқли, лекин сеvimли бўлмаслиги ҳам табиий.

Дхармендра Деол! Ҳа, панжобнинг асл ўғлони дея эътироф этилган бу актёр жуда оддий оиланинг фарзанди эди. У Болливудга жуда арзон шартнома билан қадам қўйган. Продюсер Аржун Хингоранининг "Ҳаётим ҳам, юрагим ҳам сен учун" номли картинасида бош ролни ўйнаш учун у бор-йўғи 51 рупия гонорарга рози бўлади. У бошқа ҳамкасбларидан фарқли равишда маҳаллий кафеда оддийгина нонушта қиларди. Ҳозир 87 ёшли жаноб Болливуд афсонаси! 51 рупия билан бошланган гонорарлар миллион-миллионларга уланиб кетди. Дхармендра 63 йилдан буён кино майдонида!



Карьера – ҳамма учун муҳим! Чунки ҳаётдаги муваффақиятларингиз, жамиятдаги ўрнингиз айнан касбингиздан топган ҳурматингиз билан ўз аксини топади. Амитабх Баччан! Кинога 1969 йилда "Етти ҳинд" фильми билан кириб келган. Орадан 54 йил ўтди. У ҳамон майдонда. Бугун унинг фильмграфияси юзлаб картиналарни қамраб олди.



Санжай Датт! У агар муболаға билан айтсак кино майдонида туғилган. Машҳур артистлар Сунил ва Наргис Даттнинг ўғли Санжайнинг кинодаги карьераси бир қадар қийин бошланган. Санжай кинога 1981 йилда "Рокки" фильми билан кириб келади ва машҳур юлдузга айланади. 63 ёшли бу жаноб ҳамон кинода! 42 йиллик фаолияти давомида Санжай энг яхши картиналарда суратга тушди.



Шоҳрух Хон! "Фауж" сериали билан медиа оламига кириб келган йигитни ўша пайтлар кимдир Болливуд Қиролига айланади, деса ҳеч ким ишонмаган. Аммо Хон ҳаммасини уддалади. Бу йил унинг Болливуд билан ҳамнафас бўлганига 35 йил бўлади.



TOSHKENT OQSHOMI

МУАССИС:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32

Бош муҳаррир
Севдо НИЁЗОВА

Телефонлар:
Қабулхона (71) 233 61 10
Реклама (71) 233 28 95

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Газетада босилган мақолалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқ қилиши мумкин. "Тошкент оқшом" материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-001-рақами билан рўйхатга олинган

"NISO POLIGRAF"
МЧЖ босмахонаси.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта
Чирчиқ тумани, "Машғал"
маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

Нашр учун масъул
З. НАЗАРОВ

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет
усулида босилди. Адади 500
нуска, қозғоқ бичими А3

Топшириш вақти 00:55
Топширилди 05:00
Буюртма -

Газета тахририят
компьютер марказида
саҳифаланди



SKANER QIL